"Ипотека -банк" АТИБ Бошқаруви ҳамда
Активлар ва пассивларни бошқариш
қўмитаси томонидан
ТАСДИҚЛАНГАН
2021 йил "13" сентябрдаги
266-сонли қарорига
Илова

# ЮРИДИК ШАХСЛАР ҲАМДА ЮРИДИК МАҚОМИГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СИЁСАТИ

| № | КРЕДИТ НОМИ | КРЕДИТЛАШ ВА АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАР ТУРИ | АМАЛДАГИ ФОИЗ (йиллик %) | КРЕДИТ МУДДАТИ (ой) | Линия жалб қилиш комиссияси (бир марталик) | БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ ЁКИ ЛОЙИҲАДАГИ УЛУШ (камида %) | ИЗОҲ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бизнес кредити | Айланма маблағларни тўлдириш | 20% | 12 ойгача | 1,9% | - | Имтиёзли даврсиз*** |
| | | Асосий воситаларни сотиб олиш, шакллантиришга | 20% | 36 ойгача | | | Жумладан, бино-иншоот қурилиши реконструкцияси, капитал таъмирлаш. Лойиҳада 30% ўз улуши пул кўринишида киритилиши лозим*** |
| | | Автокредит (ўз эхтиёжи учун енгил автомашиналар) | 22,99% | | | 30% | Сотиб олинаётган енгил автомашиналар гарови остида. Асосий таъминот расмийлаштирилгунга қадар таъминот сифатида кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси олиниши мумкин |
| | | Автокредит (ўз эхтиёжи учун енгил автомашиналар) | 22,99% | | | - | Кўчмас мулк, турар ва нотурар жой, махсус техникалар, автобус ва микро автобуслар, тилла буюмлар, депозит маблағлари гарови остида |
| 2 | «J–USBP» кредити | Айланма маблағларни тўлдириш* | 22,99% | 12 ойгача | | - | - |
| | | Автокредит (ўз эхтиёжи учун енгил автомашиналар) | 22,99% | 36 ойгача | | 30% | Сотиб олинаётган енгил автомашиналар гарови остида. Асосий таъминот расмийлаштирилгунга қадар таъминот сифатида кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси олиниши мумкин |
| | | Асосий воситаларни сотиб олишга | 22,99% | | | | - |
| 3 | Хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар** | Айланма маблағларни тўлдириш | 7,99% | Линия шартидан ва лойиҳадан келиб чиқиб | 1,9% | - | ЛИБОР (ёки ЕВРИБОР) + хорижий молиявий институти маржаси + банк маржаси. Лойиҳада 30% ўз улуши пул кўринишида киритилиши лозим*** |
| | | Асосий воситаларни сотиб олишга | | | | 30% | |
| 4 | Хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан ҳар бир лойиҳа учун алоҳида жалб қилинадиган кредитлар | Айланма маблағларни тўлдириш | Хорижий молия институти маржаси + минимум 3% банк маржаси | Линия шартидан ва лойиҳадан келиб чиқиб | Линия шартида белгиланган комиссиялар | - | Бизнес блоклар томонидан ишлаб чиқилган ва Бошқарув қарори билан тасдиқланган кредит маҳсулоти паспортлари тасдиқланган паспорт шартлари асосида ажратилади |
| | | Асосий воситаларни сотиб олишга | | | | 30% | |
| 5 | Аёл тадбиркорларга ЕТТБ линияси ҳисобидан | Айланма маблағларни тўлдириш учун | 6% | 18 ойгача | 1% | - | ЛИБОР (ёки ЕВРИБОР) + хорижий молиявий институти маржаси + банк маржаси. |
| | | Асосий воситаларни сотиб олиш учун | | 36 ойгача | | | |
| 6 | Лизинг | Лизинг амалиётлари | 20% | 36 ойгача | 1,9% | 25% | Бошланғич бадал пул кўринишида киритилиши лозим |
| 7 | Қурилиш соҳасини кредитлаш | Уй-жой, кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ажратиладиган кредитлар | 20% | - | 1,9% | - | - |
| 8 | Кўчатчилик йўналишини кредитлаш | Кўчатчилик йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш | 20% | - | | - | - |
| 9 | Факторинг | Факторинг амалиётлари | энг ками 5 % миқдорида | 270 кунгача | - | - | Дисконт шаклида (бир марталик тўлов). "Ипотека-банк" АТИБ Бошқарувининг 2021 йил 12 августдаги 212-сонли қаорри иловасига асосан амалга оширилади |
| 10 | Кафиллик ва кафолат бериш | Қурилиш ташкилотларига тендерда иштирок этиши учун кафиллик | 0,1-0,3 % | ҳар 3 ой учун | - | - | Фоиз тўлови ҳар 3 ойнинг бошида ечиб олинади. (Ҳар 3 ой учун 1 марта ечиб олинади). |
| | | Қурилиш ташкилотларига тендерда иштирок этиши учун кафолат бериш | 1-3 % | ҳар 3 ой учун | - | - | |
| | | Бошқа ҳолатларда кафиллик ва кафолатлар бериш | 1-5 % | ҳар 3 ой учун | - | - | |
| 11 | Талаб қилиб олингунча маблағлар (шу жумладан, корпоратив ва банк карталаридаги маблағлар) бўйича – тўланмайди (алоҳида ҳолларда, филиал коллегиал органининг ижобий қарори ҳамда мурожаати ва тегишли департамент(бошқарма)нинг хулосасига асосан, Бошқарув Раиси ёки унинг тегишли ўринбосари фоиз тўланишига рухсат бериши мумкин) | | | | | | |
| 12 | Миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитлар бўйича – томонлар келишуви асосида тўланади | | | | | | |
| | **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР** | | | | | | |
| 13 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йиғилиш баёнлари, Марказий банкнинг расмий кўрсатмалари асосида бериладиган кредитлар учун – фоиз ставкалари тегишли ҳужжатларда кўрсатилган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда. | | | | | | |
| 14 | Банк Бошқаруви томонидан кредит хизматлари учун мазкур фоиз сиёсатидан бошқача шартлар ҳамда Кредит Қўмитаси томонидан мазкур фоиз сиёсатидан юқори фоизлар белгиланиши мумкин. | | | | | | |
| 15 | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси ва ундан паст фоиз ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича кредитнинг муддати ўтган қисми учун фоиз - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасининг 1,5 баробари миқдорида. | | | | | | |
| 16 | Хорижий валютада ажратиладиган шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан юқори ставкаларда ажратиладиган кредитлар бўйича кредитнинг муддати ўтган қисми учун фоиз - кредит бўйича ўрнатилган фоиз ставкасининг 1,5 баробари миқдорида. | | | | | | |
| 17 | Платинум, голд, силвер плюс, силвер тоифага тушадиган мижозлар "Ипотека -банк" АТИБ Бошқаруви ҳамда Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитасининг 2021 йил 26 августдаги 245/1-сонли қўшма йиғилиш баёнининг 4-бандидаги шартлар асосида амалга оширилади. Ушбу тоифага кирувчи мижозларга айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар 18 ойгача муддатга берилади. | | | | | | |
| 18 | Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш назарда тутилган ҳолларда миллий валютадаги кредитлар йиллик 22,8%, хорижий валютадаги кредитлар йиллик 7,99% миқдоридаги фоиз ставкада ажратилади. | | | | | | |
| 19 | Бир марталик линия жалб қилиш комиссияси кредит миқдори 1,0 млн.АҚШ доллари эквиваленти ва ундан юқори миқдордаги кредитлар бўйича 3 ойгача бўлган муддатда тенг улушларга бўлиб тўланиши мумкин. | | | | | | |
| 20 | Банк ўз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар ҳамда юридик мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига миллий валютадаги кредитлар йиллик 25% ставкада ажратилади, ресурс жалб қилиш комиссияси қўлланилмайди. Бунда, мижознинг лойиҳадаги ўз маблағлари билан иштироки пул кўринишида 30%дан кам бўлмаслиги лозим. "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви ҳамда Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитасининг 2021 йил 26 августдаги 245/1-сонли қўшма йиғилиш баёнининг 4-бандидаги шартлар тадбиқ этилмайди. | | | | | | |

* нақд пулда 1 фоиз нақд пулни қайта санаш комиссияси ундирилади

** линия жалб қилиш комиссияси ушбу фоиз сиёсатига асосан амалга оширилади

*** платинум, голд, силвер плюс, силвер тоифага тушган кредитлар бундан мустасно